

## Покликда намуна бўлган ҳашарот



09:08 / 18.06.2021 3964

Олимларни ҳайрон қолдирган бир тадқиқотда чумоли ўзини ва атрофини ажиб тарзда тозалаши маълум бўлди. У ўзини ва атрофини шу даражада тозалар эканки, биз чумолининг уясидан касалликка сабаб бўлувчи микроб, зарарли моддани топмас эканмиз. Австралиянинг фан ва техника институтида ўтказилган ушбу тадқиқотда олимлар чумолилар инига зарарли емиш сочиб қўйдилар. Чумолилар дарҳол ўз таналаридан ва бошқа чумолилар танасидан ўша зарарли моддани кетказа бошладилар. Ҳар бир чумоли бошқа чумолига зарарли моддадан халос бўлишга ёрдам берарди. Оқибатда уяни тўла-тўқис тозалашга эришилди.

Чумолилардаги бир-бирига ёрдам бериш, покланиш, яхшилиқни бошқага раво кўриш, кўпчиликка манфаат етишига уриниш борасидаги услуб инсоният услубига ўхшайди.

Бу жараёндаги ғаройиб ҳолат шуки, чумолилар бошқа чумолилардаги ўша зарарли моддани касаллик аломати кўринмасидан туриб бартараф этишади. Улар бундай эҳтиёткорлик борасида инсонлардан ҳам ўзиб кетишмоқда. Чунки инсон касаллик белгиси кўрина бошлагандан сўнг шифокорга боради. Ана шу эътибордан чумолилар «поклик устаси» саналишар экан. Маълумки, катта миқдордаги чумоли тор ковакда яшайди. Бундай тор жойда касаллик тез тарқалиш эҳтимоли бор. Лекин покликка

ниҳоятда эътибор берадиган чумолилар оламида касаллик тарқалиши деган нарса кузатилмайди. Чумолидан ўрганадиган нарсаларимиз борлиги сезиляптими?

Хўш, тор жойда зич яшайдиган ҳашаротлар орасида турли касаллик тарқалмаслиги учун уларга покланишни ким ўргатди? Албатта, Аллоҳ таоло уларга бундай услубда покланиб туришни таълим берган, покланиш илҳомини ато этган.

Чумоли, танасининг ҳажмига таққослаганда, бошқа ҳашаротлар орасида катта мияга эга ҳашарот ҳисобланади. Лекин бу мия юқорида айтилган мураккаб амалиётларни бажаришга кифоя қилмас экан. Олимлар чумолилар ўзига хос интернет тармоғидан ёки маълумот алмашиш тизимидан фойдаланишини, бу тармоқ «google» компаниясидан устун туришини кашф этдилар. Шулардан келиб чиқиб, чумолиларни инсониятга ўхшайдиган алоҳида уммат дейишимиз мумкин.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

أَمْ كُنْتُمْ كَأَمْمَاتٍ لِّمَا عَلَّمْنَاهُ بِالْوَعْدِ الْوَعْدِ لَوْلَا فِي آيَاتِنَا لَعْنَةُ الْكَافِرِينَ  
نُورِشْخُيْ مَوْبَرَا لِيْلَا مُثْ ۞ عَيْشِ نَمْبَاتِ كَلِّ يَفِ أَنْطَرْفِ

**«Ёр юзидаги жонзот ва икки қаноти ила учадиган қуш борки, ҳаммаси сиз каби умматлардир. Китобга ҳеч нарсани қўймай, ёзганмиз. Сўнгра Робблари ҳузурига тўпланурлар» (Анъом сураси, 38-оят).**

*Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!*

**Абдуддоим Каҳел мақоласи асосида**

**Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**